

Muslim R. ATAEV,
*Doctoral Student of ICESCO Department
of Islamic Studies and Civilization
of the International Islamic academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str: 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: sulaymon200774@yandex.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022-2/5

ЁЗМА МАНБАЛАРДА УСТРУШАНА ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ

СВЕДЕНИЯ ОБ УСТРУШАНЕ В ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ

COVERAGE OF THE HISTORY OF USTRUSHANA IN THE WRITTEN SOURCES

КИРИШ

Ўзбекистон энг қадимги даврлардан бошлаб юксак цивилизация марказларидан бири бўлган. Бу ўлкада ҳар бир тарихий даврда ўзига хос бетакрор маданият бешиклари, тамаддун сарчашмалари вужудга келган. Бирок тамаддун ўчиқлари ўз-ўзидан вужудга келмайди. Ватанимиз осори атиқалар, бебаҳо ёдгорликлар, ўлмас обидалар, тарихни олга силжитган ўчмас кашфиётлар ва ихтиrolар ютиридир.

Юртимизнинг бир бўлаги бўлмиш қадимиёт Уструшана мамлакати ҳам ўрта асрларда тараққий этган худудлардан бўлгани боис, унинг географик жойлашуви, аҳолиси, турмуш тарзи, шаҳар қишлоқлари ва ундаги моддий ва маданий ҳаёт, у ерда кечган муайян тарихий жараёнларни англаш учун қадимиёт манбаларга бевосита мурожаат қилиш даркор. Уструшанада яшаб ўтган аждодлар бундан қарийб уч минг йил аввалдаёқ тарих китобларида эътироф этилган. Хусусан, ушбу маълумотларни антик давр муаллифлари, илк ўрта асрлар хитой ва суғд ёзма манбалари ҳамда араб ва форс тилларидаги тарихий-географик асарлардан мисқоллаб “териб” олиш лозим. Ўша олис замонларда гоҳо Суғдиёна таркибига, гоҳо “Суғдорти саклар қабиласи”, илк ва ўрта асрларда Уструшана таркибига кирган ушбу худуднинг катта қисми чўл бўлса-да, у ерда работлар,

карвонсаройлар, тоғолди худудларида эса, ўрта асрларда бир қатор қалъа-қўргонлар, шаҳарлар ва қишлоқлар қад ростлаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Антик давр тарихчилари Диодор, К.Руф, Ариан ва Юстинлар Кир замонида (эрэмиздан аввалги VI аср) Сирдарё ҳавзасида еттита шаҳар-қалъа барпо этилганидан хабар берадилар. Ўзининг табиий-географик ўрни, стратегик аҳамияти жихатидан қадимдан савдо йўлида жойлашган Уструшананинг Зомин, Дизак, Собот, Нужкат, Новкат каби шаҳарлари ривожланиб борган. Шу сабабли қадимшунослар Соботда эрамиздан аввалги VI асрга тегишли сув йўли – ерости қувурлари бўлгани, қалъа атрофи девор билан ҳимояланиб, атрофида боғлар бўлгани ҳақида ёзганлар. Кир замонида Сирдарё ҳавзасида барпо этилган еттита қалъа шаҳарнинг бири Собот бўлган (Б.В.Лунин, 1984).

Хитой манбаларida милоддан аввалги II асрнинг охири – I асрнинг бошларида яшаб ўтган, хитой тарихининг отаси деб эътироф этилган Сима Цзян асарида ва яна бир қадимги хитой тарихчиси Бан Гунинг (мил. ав. 206–мил. 25) “Ханьшу” (“Хан [сулоласи] тарихи”) асарида Довон (Фарғона)дан то Анси (Бақтрия)гача бўлган жойларнинг аҳолиси бир-бирига яқин шеваларда гаплашганлари ёритилган (А.Хўжаев, 2014). Яъни, Уструшана аҳолисининг тили суғдча сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Бу маскан IV–V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади (Н.Бичурин, 1950).

VII аср бошларида Ли Янь-шоу томонидан ёзилган “Шимолий хонадонлар тарихи” – Бейши (336–581)нинг 97-бобида Уструшана номи илк маротаба “Судуйшона” тарзида берилган. Шунингдек, бу монтакада қазиб олинаётган олтин, темир, оникс маъданлари, Дэси руҳига сигинувчи аҳолининг турмуши ва ҳаёт тарзи ҳақида қимматли маълумотлар қайд этилган. “Суй сулоласи тарихи” – Суй-шу (581–618) муаллиф Вэй Чжен томонидан 644 йилда тузилган бўлиб, унинг 83-бобида Уструшана монтакаси ҳақидаги Бэй-ши маълумотлари тақрорланган. “Тан сулоласи тарихи” – Тан-шу (618–907)нинг 1060 йилда муаллиф Оу Янаю томонидан қилинган иккинчи таҳрири 221-бобида биринчи марта Уструшанага қисқача таъриф ва тавсиф

Аннотация: Ушбу мақолада *Фарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган тарихий Уструшана ўлкаси ўрта асрларда тараққий этган ҳудудлардан бўлгани, унинг географик жойлашуви, аҳолиси, турмуш тарзи, шаҳар ва қишилоқлари, ундаги маддий ва маданий ҳаётда кечган муайян тарихий жараёнларни антик давр муаллифлари, илк ўрта асрлар хитой ва сүгд ёзма манбалари ҳамда араб ва форс тилларидаги тарихий-географик асарлар орқали таҳлил қилинган. Мусулмон Шарқидаги эътиборли маданий марказлар қаторида кўхна Уструшана ҳам Мовароунахрдаги иирик маданият марказларидан бири бўлган. Бу ерда илоҳиёт ва адабиёт илmlари билан бир қаторда аниқ ва ҳарбий фанлар ҳам ривожланган. Манбаларда Уструшананинг Худайсар деган жойида бутун Мовароунахрда улкан ҳисобланган ҳарбий истеҳком барпо қилингани, уструшаналик қатор қўймондонлар ва, айниқса, бу заминда ишлаб чиқилган қурол-ярог, темир ҳамда мисдан ясалган асбоб-анжомлар, ёғоч асбоб-ускуналар, эгар-жасабдуқлар ва бошқа ҳунармандлик маҳсулотлари Шарқ мамлакатларига экспорт қилингани таъкидланади. Бу ҳол дунёда юз берган ўзгаришлардан Уструшана минтақаси четда қолмагани, ўзга диёргарда содир бўлган маданий тараққиётдан маълум дараҷасада баҳраманд бўлиб тургани ва, ўз навбатида, бошқа ҳудудлардаги жараёнларга таъсир қўрсатиб келганини исботлайди. Шунингдек, Ўрта асрларда Уструшанадаги работлар, карвонсаройлар, тоголди ҳудудларида эса, бир қатор қалъа-қўргонлар, шаҳарлар ва қишилоқлар қад ростлагани манбалар асосида очиб берилган.*

Калит сўзлар: Мовароунахр, ўрта асрлар, Уструшана, работлар, тоголар, Зомин, Дизак, афшин, қалъалар, ёзма манбалар, горлар, аҳоли, минтақа.

Аннотация: В данной статье анализируются сведения о государстве Уструшана, которое сформировалось в раннем средневековье вдоль Великого шелкового пути, соединяющего Запад и Восток, его географическом положении, населении, образе жизни, городах и селах, а также некоторых исторических процессах, происходивших в его материальной и культурной жизни в древности. Анализ этих сведений проведен на основании работ раннесредневековых авторов, китайских и согдийских письменных источников и историко-географических трудов на арабском и персидском языках.

Древняя Уструшана считалась одним из крупных культурных центров мусульманского Востока, в частности его части – Мавераннахра. Наряду с богословием и литературоведением здесь получили развитие точные и военные науки. Согласно источникам, в месте под названием Худайсар в Уструшане было построено военное укрепление, которое считалось очень масштабным во всем Мавераннахре, известны ряд полководцев из Уструшаны. Оружие, железные и медные орудия труда, деревянные инструменты, седла и другие произведенные на этой земле ремесленные изделия вывозились в страны Востока. Это сведения доказывают, что Уструшанский край не остался в стороне от изменений, происходивших в мире. Также на основе источников выявлено, что в средние века в Уструшане были пограничные заставы, караван-сараи, а в горных районах был построен ряд крепостей, городов и деревень.

Ключевые слова: Мавераннахр, средние века, Уструшана, работы, горы, Заамин, Дэзак, титул афшин, крепости, письменные источники, пещеры, население, регион.

Annotation: The article analyzes the historic Ustrushana region, located along the Great Silk Road connecting the West and the East, was one of the developed regions in the Middle Ages, its geographical location, population, lifestyle, cities, and villages, and historical processes in its material and cultural life through the works of ancient authors, early medieval Chinese and Sughdian written sources, and historical-geographical works in Arabic and Persian languages. Among the notable cultural centers of the Muslim East, ancient Ustrushana was one of the major cultural centers in Mawarannahr. Along with theological and literary sciences, formal and military sciences were also developed here. According to sources, a military fortification was built in the place called Khudisar of Ustrushana, which was considered huge in the entire Mawarannahr. It is known that there were many commanders from Ustrushana, especially the weapons, iron and copper tools, wooden tools, saddles, and other handicraft products developed on this land were exported to Eastern countries. This situation proves that the Ustrushana region was not spared from the changes that have taken place in the world, enjoyed to a certain extent the cultural development that took place in other countries, and, in turn, influenced the processes in other regions. It is also revealed based on sources that in the Middle Ages there were rabats, caravanserais in Ustrushana. Several fortresses, towns, and villages were built in the mountainous regions.

Key words: Mawarannahr, Middle Ages, Ustrushana, rabats, mountains, Zamin, Dizak, afshin, castles, manuscripts, caves, population, region.

берилган. Бу маълумотларда аввало, мазкур минтақанинг бир неча варианларда ўқиладиган номлари (Шуайдушана, Судулишена, Шарқий Цао) келтирилган, қолаверса, Уструшанадан қўшни вилоятларгача бўлган масофалар, илохийлаштирилган фор ва унга сифинувчи одамлар ҳамда араб истилосига қарши курашнинг қисқа воқеалари баён этилган (М.Х.Пардаев, 2016).

Хитой йилномалари “Бей-ши ва Суй-шу”да бу худудни Шарқий Цао (суви йўқ) деб номланиши қўшни Чоч ва Суғдан фарқли ўлароқ, дарёларнинг кўп бўлмагани билан изоҳланади. VIII асрга оид Хитой географик сайёҳи Сюань-Цзан ўзининг “Йилнома” асарида бу ўлкани “Сутулисэн” деб ҳам номлайди. Тан императорлари саройида ўлканинг номи Лайвий (хитойча – магуррлигини билган ҳолда ўзгага бўйсунувчи) деб ҳам юритилган. Таникли саёҳатчи Сюань Цзяннинг (VII аср биринчи ярми) ғарбий ўлкалар тавсифига бағишланган “Сиойцзи” асари ва сайёҳ Хой ЧАО (107/726) эсдаликларида ҳам Уструшана тарихига дахлдор маълумотлар қайд этилган (Негматов, 1953).

Қадимги хитой тарихчиси Бан-Гунинг “Цянь ханьшу” (“Хан катта хонадони тарихи”) йилномасида 630 йилда Ўрта Осиёда бўлган хитойлик сайёҳ Сюань Цзяннинг бу худуд ҳақида берган қуидаги таърифи эътиборга лойик: «... Цао вилояти (Уструшана) айланасига 1400 дан 1500 ли.гача масофага эга бўлиб, шарқдан Нами (Сирдарё) дарёси билан туташ. Бу вилоятда ғарбий денгиз (Каспий)дан шарқда жойлашган барча халқлар эътиқод килувчи “Деси рухи”га ибодат қиласидар. Дай-ье (605–617) ҳукмронлиги даврида Уструшананинг ёш, ташаббускор ҳукмдори Самарқанд ихшидининг элчилари билан ўз элчисини Хитойга юборади».

А.Г.Малявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбалари, “Тан сулолавий солномалари” (618–907) асосида Уструшананинг худуди ҳақида қуидагиларни маълум қиласиди: “Шарқий Цаонинг ҳукмдори Боси тоги (Туркистон тоб тизмаси)нинг шимолий ён бағрида яшайди. Бу жой катта Хан сулоласи даврида Эрши шахри худудига тегишли эди. Ву-дэ ҳукмронлиги даврида (618–626) бу подшолик Кан билан биргаликда саройга ўз элчиларини юборган”.

Манбаларда Уструшана минтақаси турлича номлар билан аталганини кўриш мумкин. Бу жой номи Асрушана ёки Ашрусан, Осрушана ёки Сутрушана, Сурушана, Шурусана, Шурушана шаклларида учрайди. А.Г.Малявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбалари асосида худуднинг

Шуайдушона, Судуйшона, Цзебуцзюйна (Цзебудана), Судушина, Суйдушана, Кобугойна, Судучжини тарзида номланганини эътироф этади (А.Г.Малявкин, 1989).

Илк ўрта асрлар Уструшанаси сиёсий, иқтисодий, маданий ва тарихий географиясини ўзида мужассам этган суғд хужжатлари тўплами суғдшунос олим М. Исҳоқов томонидан ҳам бир кадар ўрганилган (М. Исҳоқов, 1992). Н.Н.Негматов томонидан “Усрушана” деб талқин қилинган бу ном, кейинчалик В.А.Лившиц томонидан Муғоридан топилган суғд хужжатлари таҳлили асосида Уструшана деб талқин қилинган. ЎзР.Ф.А. ШИда сакланаётган Маждудин ал-Уструшаний асарларининг қўлёзмалари синчилаб ўрганилиши натижасида бу минтақани В.А.Лившиц таъкидлаганидек, “Усрушана” шаклида ўқишини тўғри деб хисоблаш мумкин.

Милодий VI асрда Турк хоқонлиги даврида маҳаллий аҳолининг турк қабилалари билан муносабатлари ривожланади. Қуда-андачилик алоқалари ўрнатилади. Ўлкада зарб қилинган VI–VIII асрларга оид тангалар Уструшананинг илк ҳукмдорлари Чирдмиш, Сатачари, Раханчлар ҳақида маълумот беради. Уструшана ва унинг чегаралари ҳақидаги маълумотлар IX–XI асрларга оид араб географларининг асарларида келтирилган. Тадқиқотчи К.В.Тревернинг таъкидлашича, Уструшананинг худуди бақтрияликлар еридан то Сирдарё жанубида яшаган сүғдий қабилаларнинг еригача бўлган ўн иккита вилоятни ўз ичига олган.

Ўрта Осиё халқларининг илк ёзма манбаси “Авесто”да, Эрон шоҳларининг битиклари, қадимги Юнон ва Рим тарихчиларининг асарларида ҳам Ўрта Осиёнинг кўчманччи чорвадорлари ҳақида турли хил маълумотлар берилган. Айни пайтда Уструшанада барча томондан кўчманчилар дашти билан чегарадош шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, “... Бунжикат, Арсубоникат, Куркат, Фазак, Фағкат, Собот, Зомин, Дизак, Нужкат, Харқона – булар Уструшонанинг шаҳарлари” (С.Камолиддин, 2011).

Ўрта аср тарихчи географлари Уструшана ҳақида дастлабки, нисбатан қисқа, аммо жуда муҳим маълумотларни Ибн Ҳавқал, ал-Истаҳрий, ал-Мақдисий, Ибн Ҳурдазбих, Ибн ал-Факих, Абу Саъд ас-Самъоний, Ёқут ал-Ҳамавий каби арабийзабон олимларининг тарихий-географик асарларида учратиш мумкин (Ҳавқал, 1939).

Х асрда яшаб ижод қилган тарихчи-географ Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бақр ал-Банна ал-Башарий ал-Муқаддасий

ўзининг “Ахсан ат-тақосим фи маърифати ал-ақолим” (“Мамлакатларни билиш учун энг яхши тақсимот”) асарида Уструшана рустоклари ва уларнинг сони, баъзи рустоқ, шаҳар ва йирик қишлоқларнинг номлари, Собот ва тоғ мавзеидаги Хаш шахрининг тавсифи, Дизакда жун матодан ишлаб чиқариладиган кийимлар ҳакида ўзидан олдинги муаллифлар асарларида мавжуд бўлмаган маълумотларни келтиради. Уструшананинг маъмурий тузилиши ўн еттига рустоқдан иборат эканини эътироф этган ҳамда уларнинг номлари, Уструшана йўллари ва ахоли пунктлари орасидаги масофалар ҳақида қисқача хабар берган холда Суғд, Кеш, Насаф ва Уструшана мамлакатининг сомонийлар хазинасига тўлайдиган йиллик хирожи ҳақида ҳам маълумот берган.

Машхур географ олим Абу Исҳок Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий “Масолик ал-мамолик” (“Мамлакатларнинг йўллари”) асарида: “Мовароуннаҳр ислом оламидаги энг бой минтақа ҳисобланиши ва бу ерда кишилар йилига бир неча марта ҳосил олишлари ва агар курғоқчилик рўй берса, уларнинг йиғиб олган маҳсулотлари яна бир-икки йилга бемалол етишини таъкидлайди. Шунингдек, Суғд, Уструшана, Фарғона, Шош ва бошқа худудларда мевалар кўп ҳосил бериши ва ҳаттоқи, жониворлар мева билан боқилган”, деб таъкидлайди.

Ал-Истаҳрий ўлканинг географик хусусиятларига ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдиради: “Уструшана Суғд каби ўлка номи бўлиб, бу номдаги шаҳар бўлмаган. Уструшананинг аксарият қисми тоғ, гарб томондан Самарқанд худуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим худуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми, Сағаниён, Шумон, Вошғирд ва Рошт ҳудуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан тулашиб кетган. Уструшанада жойлашган шаҳар ва қишлоқлар Бунжикет, Зомин, Дизак, Арсиянике, Куркет, Фазак, Фағкет, Собот, Нужкет ва Харақона деган номлар билан аталган. Уструшана шаҳарлари орасидаги масофага келсак, Харақонадан Дизаккача беш фарсах, Харақонадан Зомингача тўққиз фарсах, Зоминдан Соботгача уч фарсах, Зоминдан Ховос ўйли орқали Куркетгача ўн уч фарсах, Нужкет ва Харақона масофаси икки фарсах, Харақонанинг жанубий шарқидан Фарғона чегарасидаги Арсиянике гача тўққиз фарсах. Фағкет шаҳри (Бунжикет)дан тўққиз фарсах, Хўжанд йўлида, Фағкет Фазакгача икки фарсах, Фазакдан Хўжандгача олти фарсахдир”. Шу билан бирга Зарафшон тепасидаги Буттим

тогида жойлашган қишлоқлар ҳам Уструшана минтақасига тегишли ҳисобланган.

Ўрта аср географ олимларидан бири Ибн Ҳавқал ўзининг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) асарида мамлакат пойтахти Бунжикатни таърифлаган ал-Истаҳрийдан фарқли ўлароқ, Ибн Ҳавқал марказий шаҳарнинг иккита дарвозаси ва олтига анҳори номини, шаҳардаги эркак аҳоли сонини, шаҳристонда жойлашган жоме масжиди, кўхандиз ва ундаги зиндан, зодагонлар маҳалласидаги работ ҳақида маълумот беради.

Зомин ҳақида ибн Ҳавқал асарида ал-Истаҳрийда қайд этилмаган бозор, жоме масжиди, шаҳардаги боғлар ва узумзорлар, Дизак шаҳри тавсифи бўйича эса Фағнон рустоқи, чўл сарҳадларида бунёд этилган Худайсар работи ҳақида қўшимча маълумотлар келтиради. Уструшаналикларнинг фахри Минк ва Маросимандада темир қуроллар ишлаб чиқарилганлиги ва бу қурол-яроклар Хурросон ва Ироқда жуда машхур бўлганлиги ҳам таъкидлаб ўтилади (Бетгер, 1957)

Уструшанада кечган савдо-сотик, хўжалик юритиш ишлари бўйича баъзи маълумотлар 982/983 йилларда номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Худуд ал-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб” (“Оламнинг шарқдан фарғба қадар чегаралари”) номли асарда Уструшанада жойлашган шаҳар ва қишлоқларга қуидагича таъриф берилади: “Навинжкас – Сарушананинг қасабаси ва бу ноҳият амирининг қароргоҳидир. Аҳолиси кўп, обод, ноз-неъмати фаровон ва оқар сувлари бор бир жойдир. Фағкас, Фарқ, Собот, Куркас – Сарушана худудидаги шаҳарчаларнинг экинзорлари ва аҳолиси кўп. Буттамон – тоғ-дараларда жойлашган ноҳият, Сарушана худудида. У уч қисмдан иборат: Ички Буттамон, Ўрта Буттамон ва Ташқи Буттамон. Бу экинзорлари кўп бир ноҳиядир; дарвешлар жойи. Унинг қишлоқлари ва рустоқлари кўп. У ерда шароб кўплаб тайёрланади ва тоғларидан темир қазиб олинади. Тоғларида навшадир конлари кўп эрур. Чарқон – Сурушана шаҳарчаларидан бири, обод жой”.

Марвлик йирик муаррих Абу Саъд ас-Самъоний (1113–1167) “ал-Ансоб” (“Нисбалар”) асарида: “Уструшана Самарқанднинг олди ва Сайхун дарёсининг қуи қисмидаги катта бир вилоят бўлган”, деб ёзади.

Таникли араб сайёхи, географ ва библиограф олим Ёкут ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳамавий (1179–1229)нинг 1224 йилда ёзил тутатилган машҳур “Муъжам ал-булдон” (“Мамлакатлар

луғати”) асарида Уструшананинг IX–XII асрлар оид тарихи ҳам келтирилган. Ёқут ал-Ҳамавий бу китобни ал-Истахрий, Ибн ал-Фақиҳ ва, айниқса, Абу Саъд Абдулкарим ибн Мұхаммад ибн Мансур ас-Самъоний асарларидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ёзган бўлса-да, асарда бир қатор янги маълумотлар ҳам мавжуд. Хусусан, Ёқут ал-Ҳамавий китобидаги маълумотлар, биринчидан, луғат шаклида йигилиб, муайян минтақалар, шаҳарлар ва кишлоқлар бўйича тартиб билан берилган, иккинчидан, воқеалар ўз мазмун-моҳиятига кўра, тизимлаширилган. Яъни, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга оид маълумотлар ягона тартиб асосида қайд этилган. Ёқут ал-Ҳамавий асаридаги яна бир ижобий жиҳат у кайси вилоят ёки шаҳар-қишлоқнинг таъриф ва тавсифини баён этар экан, у ердан етишиб чиқкан машҳур олимлар, шоирлар, фақиҳлар, сайёхлар, ислом дини тарғиботчиларининг биографиясига катта эътибор қаратади. Уструшана ҳақида шундай маълумот беради: “Уструшана Самарқанд яқинида ва Сайхуннинг кўйи қисмидаги – катта воҳа, у ерда тўрт юзга яқин истеҳком бўлиб, олтин, кумуш, темир ва бошқа қимматбаҳо табиий бойликларга эга ҳудуддир”.

Ўрта асрларнинг яна бир қатор географлари, хусусан, Ибн ал-Фақиҳ томонидан 289/902 йилларда ёзилган “Китоб ахбор ал-булдон” (“Мамлакатлар ҳақида китоб”) (al-Hamadani, 1967), Ибн Хурдозбех (204/820 йиллар атрофида туғилган) қаламига мансуб “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”), Абу Фараж Қудоманинг (ваф. 346/958) “Китоб ал-хирож ва санъат ал-китоба” (“Хирож ундириш ва мактублар ёзиш санъати ҳақида китоб”), Абу Аҳмад ибн Умар ибн Рустанинг (Х) “Китоб ал-аълак ан-нафиса” (“Нафис дурлар китоби”), ал-Яқубий (ваф. 283/897 й.)нинг 277/891 йилда ёзилган “Китоб ал-булдон” (“Мамлакатлар ҳақида китоб”) асарларида Уструшана тарихи ва географияси бўйича баъзи маълумотлар бериб ўтилган.

Ибн ал-Фақиҳ, Ибн Хурдозбех, Қудома асарларидаги кичик янгиликлардан бири Уструшана мамлакати бўйича йўл кўрсатувчи қайдномалардир. Бу йўл кўрсатувчи қайдномаларда ал-Истахрий ва Ибн Хурдозбех китобларида тилга олинмаган шаҳар ва қишлоқлар, уларнинг масофалари тўғрисида маълумотлар берилган. Ибн ал-Фақиҳ ва ибн Хурдозбех ўз асарларида Озарбайжон шаҳарлари географияси ҳақида тўхталар экан, йўл-йўлакай Ҳайдар ал-Афшиннинг Бобакка қарши курашган даврида бу ерда Уструшана валиаҳди

томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам фикрлар бериб ўтган. Шунингдек, ал-Яқубий халифаликнинг марказий шаҳарларидан бири Самарранинг тавсифини тузар экан, ундаги ал-Афшинга қарашли ал-Матира номли қасаба ва у ерда жойлашган уструшаналикларнинг қасрлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Унинг Уструшанадаги катта шаҳарлар, қасрлар, кўргонлар, олтин қазиб олиш тўғрисидаги хабарлари бугунги кунда Уструшананинг мукаммал тарихини тиклаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Эътиборли томони шундаки, Ёқубийнинг фикрича, нима сабаблардандир араблар Уструшананинг бутунлай забт этиб, халифалик таркибига қўшиб олишни пайсалга солишган, уларнинг юришлари Уструшанага нисбатан бирмунча суст бўлган.

Мұхаммад ан-Наршахий (ваф. 959)нинг Ғарбий Суғд, Сомонийлар давлати пойтахти ҳақида “Бухоро тарихи” асарини Уструшана минтақа ва давр тарихи учун қиёсий, солиштирма таҳлиллар қилишда Абу Райхон ал-Беруний (973–1048) нинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Захириддин Мұхаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларини ҳам қимматли манба сифатида эътироф этиш мумкин (С.Хасанов, 2002).

Захириддин Мұхаммад Бобур “Бобурнома” асарида Ўратепа ҳақида шундай ёзади: “Ғарғона, Хўжанд ва Ўратепаким, асл буларнинг отлари китобларда Уструшнадир ва Уструш ҳам битирлар, қолдилар” (Хасанов, 2002). Кўриниб турганидек, Бобур ўз асарида Ғарғона, Хўжанд ва Ўратепа ҳудудлари Уструшана минтақасига тегишли эканлигини кўрсатмокда. Бобурномада Ўратепа номи ўн саккиз марта учрайди. XVII асрда яшаган ўрта осиёлик олим Махмуд ибн Вали ўзининг “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” номли тарихий-географик асарида Ўратепа ҳақида маълумот берган (Б.Ахмедов, 1977).

Уструшана мамлакатининг сиёсий ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотларни IX–X асрларда ижод қилган тарихчи ат-Табарий, ал-Балазурий, ал-Масъудий ва Низомулмулкнинг асарларидан олиш мумкин.

Уструшананинг ilk ўрта асрлардаги сиёсий тарихи бўйича асосий манбалардан бири сўзсиз арабийзабон тарихчи Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг (224/839–309/922) йилнома усулидаги “Тарих ар-русл ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи”) асаридир. Муаллиф ушбу асарда Уструшана ҳақида маълумотларни 135/753–234/849 йилларда яшаб ўтган Абулҳасан Али ибн Мұхаммад

ал-Мадоинийнинг бизгача етиб келмаган рисоласидан олган. Ат-Табарий уструшаналикларни ўз афшинлари бошчиллигида Турк ҳоқони туғи остида қўшни давлатлар иттифоқи билан бирлашиб 118/737 йилда Хористон яқинида Хуросон ноиби Асад ибн Абдуллоҳ қўшинига қарши жангга кирганлари, навбатдаги ноиб Наср ибн Сайёрни (120/738–130/749) Уструшанага ҳарбий юриши тафсилотларини баён қилган. Хитойликлар 131/749 йилда Уструшанага юриш қилган бўлса, 133/751 йилда минтақани араблар забт этдилар. Натижада Уструшана араблар билан Тан сулоласи ўртасидаги кураш майдонига айланади.

Умуман, ат-Табарий маълумотларига қараганда, бу даврда Уструшана араб истилосига қарши курашган ва ислом динини қабул қилишни хоҳламаган қўшни ҳалқлар, хусусан, Хуттал аҳолиси учун бошпана, арабларга қарши қучларни бирлаштирадиган қароргоҳ сифатида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Хуросон ҳукмдори Фадл ибн Яҳё (177/794) даврида Уструшана афшини раҳбарлигида Араб ҳалифалигига қарши кураш, 206/822 йилда мамлакатни Тоҳирий ноиблар даврида бутунлай босиб олиниши ҳақидаги муҳим тарихий воқеалар асарда ўз ифодасини топган.

Ат-Табарий китобида келтирилган ҳалифа ал-Маъмун (197/813–217/833) ва ал-Муътасим (217/833–227/842) ҳукмдорлиги даврида ҳалифаликда хизмат қилган, таниқли давлат арбоби, мохир лашкарбоши сифатида шуҳрат қозонган, Уструшана афшини Ковуснинг ўғли, валиаҳд Ҳайдар ал-Афшиннинг фаолияти, ҳарбий жасорати, бутун Араб ҳалифалигини титратган, унинг устидан ўтказилган суд жараёни ва сўнгги тақдири тўғрисидаги воқеалар баёни, уструшаналик бир қатор ҳарбий қўмондонлар ва, айниқса, тўлиқ бўлмаса-да, мамлакат афшинларига оид фактлар ушбу мамлакат ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этадиган маълумотлардир.

Абул Аббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Жабир ал-Балазурӣ (ваф. 278/892) қаламига мансуб “Китоб футух ал-булдан” (“Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақида китоб”) номли асарида Хуросон ноиби Талҳа ибн Тоҳир (206/822–212/828) даврида Уструшананинг забт қилиниши, пойтахт Бунжикатдаги талофатлар ҳақидаги муҳим маълумотлар берилган.

Ал-Балазурийнинг эътирофига кўра, IX асрнинг 20-йилларида Уструшана афшини Ковус муваффакиятли тарзда ҳалифалик билан дипломатик муносабат ўрнатган ва бунинг

натижаси сифатида мамлакатнинг сиёсий мустакиллигини Мовароуннаҳрдаги бошқа вилоятларга қараганда узоқ вақт сақлаб қолган. Айнан шу омиллар арабларни қониқтирмаган ва IX аср 20-йиллари бошида Уструшана тоҳирийлар тажовузига дучор бўлган, тамомила қайта забт этилиб, ҳалифалик таркибиға қўшиб олинган. Кейинчалик афшинлар сулоласи 280/893 йилда тугатилиб, Уструшана Сомонийлар давлати таркибиға киритилган. Марказий Осиёдаги бошқа ўлкалар қатори Уструшана ҳам кейинги даврларда корахонийлар, мўғуллар, темурийлар (771/1370–911/1506), шайбонийлар (905/1500–1012/1604) ва бошқа давлатлар таркибиға кирган.

Уструшананинг афшини, валиаҳд Ҳайдар ибн Ковус (197/813–218/833) томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мохир лашкарбоши сифатида фаолияти ҳақидаги бир мунча тўлиқ маълумотларни тарихчи олим Абу Али ибн Али Тусий Низомулмулк (408/1018–484/1092)нинг “Сиёсатнома”, Абулҳасан ибн ал-Хусайн ибн Али ал-Масъудий (ваф.344/956) нинг “Китоб антанбих ва-л-ишроф” (“Огоҳлантириш ва ишонтириш ҳақида китоб”), Иzzуддин Абулҳасан Али ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн ал-Асир (Халабий, 1884) (554/1160–631/1234)нинг “ал-Комил фи-т-тарих” (“Тарих бўйича мукаммал мажмуа”) асарларида келтирилган.

Ҳайдар ибн Ковус аввал ҳалифа Маъмун, кейинчалик ҳалифа Муътасим хизматида бўлиб, 220/835 йилда ҳалифаликнинг қўмондонларидан бири этиб тайинланганидан кейин йирик ҳарбий ғалабаларни қўлга киритган. У Кичик Осиёда Византия устидан ғалаба қозонади. Император Феофилни мағлубиятга учратади. Кейинчалик ўз даврининг энг йирик ва йигирма йилдан ортиқ давом этган Бобак қўзғолонини бостиришга эришади. Учинчи ғалабаси – Табаристонда Мозиёр ибн Корин устидан қозонилган зафар бўлади. Мазкур ғалабалар сабаб Ҳайдар ибн Ковус шахсиятининг ислом равнақи учун қилган хизмати жуда юкори баҳоланади.

Византия императори Феофил қўшинлари устидан ёрқин ғалабанинг накадар улканлиги борасида машхур араб шоирлари Абу Таммам ад-Даҳҳок ва ал-Хусайн ибн ад-Даҳҳок ал-Ҳаш ал-Боҳилий томонидан ал-Афшинни улуғлаб ёзган қасидалар мавжуд.

Бобак қўзғолонини ҳалифа Муътасим ва унинг акаси Маъмун ҳам бостирилмаган. Тарихчи олим Гардизий “Зайн ал-ахбор” асарида ёзишича, улуғ саркарда Озарбайжон ва Ғарбий

Эронда Исломга қарши кўзголон кўтарган Бобак (181/798-183/800–223/838) бошлилигидаги кўзголонни бартараф қилган. Кўзголон кенг ёйилиб, Шарқий Арманистон ерларигача тарқалган ва унинг тарафдорларининг сони 300 минг кишига етган. Ўша вақтларда халифалар бир неча йўналишда ҳарбий кучларини ишлатишга мажбур бўлган. Византия билан бўлаётган уруш ҳамда Мисрдаги кўзголон (214/830–217/833) сабаб халифалик Бобак исёнини узоқ муддат бостира олмаган (А.С.Гардизий, 1991).

Халифа Маъмун 217/833 йилда вафот этганидан сўнг Мұтасим (217/833–227/842) Византия билан яраш битими тузиб, Ҳайдар ибн Ковус қўмондонлигидаги асосий кучини Бобак кўзголонини бостиришга юборади. Ҳамадон шаҳри яқинида 217/833 йилда бўлиб ўтган жангда кўзголончилар оғир талофат кўради. Мазкур жангда 60 минг киши ҳалок бўлган.

Айнан Ҳайдар ибн Ковус ҳарбий маҳорати боис халифа Мұтасим Бобак кўзголонини бостиришда зафарга эришади. У Бобакни Самаррага келтириб, қатл этади. Бироқ кейинчалик Ҳайдар ибн Ковуснинг саройидаги нуфузи ортиб бораётганидан ҳавотирга тушган аъёнлар фитна уюштиради. Халифа ҳам Бобак муаммосини саркарда Ҳайдар ибн Ковус ҳал этиб берганини унутади. Шу боис, саркарда 226/841 йилнинг июнида ислом динидан қайтганликда айланади ва ўлим жазосига ҳукм этилади (C.E.Bosworth, 1999)

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарихий Уструшана ғарб томондан Самарқанд ҳудуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим ҳудуди, жануб томондан Кешнинг озгини қисми, Сағониён, Шумон, Вошғирд ва Рошт ҳудуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан туташиб кетган катта мамлакат бўлган. Ҳозир мазкур ҳудуд Ўзбекистон Республикасининг Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тоҷикистон Республикасининг Ўратепа қисми тўғри келади.

Уструшана минақаси Мовароуннахрнинг Суғд, Фарғона, Шош воҳалари оралигига ҳамда Буюк Ипак йўли бўйида жойлашгани бу ерда илм-фан ва маданият юксалишида катта омил бўлиб хизмат қилган. Ўрта асрларда Уструшана тараққий этган ҳудудлардан бўлгани боис бу ўлкага араблар, форслар ва хитойликлар катта қизиқиш билан қараган. Тарихий биографик асарларда ҳамда

Хитой йилномаларида мазкур ҳудуднинг маҳсус қайд этилгани унинг ўз даврида катта мавқега эга бўлганидан дарак беради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. C.E.Bosworth. (1998). “Sectarian and national movements in Iran, Khurasan and Transoxania during Umayyad and early Abbasid times”. Iran.
2. C.E.Bosworth. (1999). “The history of al-Tabari”. New York: State University of New York Press.
3. Etienne de La Vaissiere. (2007). “Samarcande et Samarra. Elites d’Asie centrale dans l’empire Abbasside”. Peeters.
4. L.M.Swertschcow, O.A. Papachristou. (1993). Eisen aus Ustruschana und Tiegelstahl aus dem Fergana-Becken. Germany.
5. V.Minorsky. (1957). “Studies in Caucasian history”. Cambridge: Cambridge University Press.
6. W.Treadgold. (1988). “A history of the Byzantine state and society”. Stanford, California: Stanford university Press.
7. А.Хўжаев. (2014). Қадимий Фарғона Хитой сайдёлари нигоҳида. Moziydan sado .
8. И.А.Ахмад. (1884). Ал-Комил фи-т-тарих. Қохира.
9. Б.Аҳмедов. (1977). Моретайн. Тошкент: Фан.
10. Б.В.Лунин. (1984). Поход Александра. Тошкент: История Узбекистана в источниках.
11. Е.Бетгер. (1957). Извлечение из книги “Пути страны”. Nhels САГУ, 19-21.
12. Н.Бичурин. (1950). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Тошкент: Ан СССР.
13. I.al-Hamadani. (1967). Kitob guldoni.
14. А.С.Гардизий. (1991). Зайн ал-ахбор. Раздел об истории Хоросана. Тошкент: Фан.
15. М.Исхоков. (1992). Унитилган подшоҳлиқдан ҳатлар. Тошкент: Фан.
16. С.Камолиддин. (2011). Китоб сурат ал-ард. Тошкент: Давлат илмий нашриёти.
17. А.Г.Малявкин. (1989). Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск.
18. Н.Негматов. (1953). Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э. МИА, 239.
19. М.Х.Пардаев, Ж.И.Фофуров. (2016). Уструшонанинг илк ўрга аср қишлоқ маконлари. Тошкент: Ilmiy-technika axboroti-press nashriyoti.
20. С.Ҳасанов. (2002). Бобурнома. Тошкент: Шарқ.

